

4. Тожиев Р.Ж., Юнусалиев Э.М., Абдуллаев И.Н. “Бино ва иншоотлар конструкциялари зилзилибардошлигини ўрганишда янги усул” “Бино ва иншоотлар конструкциялари зилзилибардошлигини ўрганишда янги усул”. Международная научная и научно-техническая конференция на тему «Инновации в строительстве, конструкционная и сейсмическая безопасность зданий и сооружений» «Курилишда инновациялар, бинолар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сейсмик хавфсизлиги» Халқаро микёсидаги илмий ва илмий-техник конференция Наманган 11-13 ноябрь, 2021 йил.

5. Тожиев Р.Ж., Юнусалиев Э.М., Абдуллаев И.Н. Бино ва иншоотлар конструкциялари зилзилибардошлигини Газодетонацион тўлқин таъсирида ўрганиш. Zamonaviy qurilish materiallari va Buyumlarini ishlab chiqarishda fan, Ta'lim va ishlab chiqarish korxonalarini Integrasiyasini takomillashtirishning Yechimlari Xalqaro miqyosdagi Ilmiy-texnik konferensiya Materiallari 142-144 betlar 27-28 oktyabr 2022 yil.

6. Тожиев Р.Ж., Юнусалиев Э.М., Абдуллаев И.Н. Газодетонационный метод мониторинга сейсмостойкости эксплуатируемых зданий и сооружений. Материалы XXVI Международной научно-технической конференции ЯГТУ, 12-14 окт. 2022г., Ярославль

7. Юнусалиев Э.М., Тожиев Р.Ж., Ибрагимов Б.Т., Абдуллаев И.Н. Турар жой биноларида сейсмик таъсирлардан пайдо бўладиган ёнгинлар, талофати ва хавф-хатарларни таҳлили, ЎзФВВ, “Ёнгин-портлаш хавфсизлиги” илмий амалий электрон журнал. Тошкент, 2022, 425-432 бетлар.

8. Ляхов Г.М. Волны в грунтах и пористых многокомпонентных средах.- м.: Наука, 1982,- 286с.

9. Пучков С.В. Закономерности колебаний грунта при землетрясении. М., Изд. «Наука». 1974.

УДК 725.945

ЮРТИМИЗДА МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ходжаева Зулфия Шухратовна (ТАҚУ)

Захарян Арнелла Дмитриевна (ТАҚУ)

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада меъморий обидани сақлаш, таъмирлаш, техник ҳолати таҳлил қилиш масаласига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг маълумотларига асосан республикамиз ҳудудида жойлашган обидаларнинг техник ҳолатини баҳолаш, уларни қайта тиклаш, таъмирлаш учун қилинаётган ҳаракатлар ўз аксини топган.

АННОТАЦИЯ. Данная статья посвящена консервации, ремонту и анализу технического состояния памятников архитектуры. На основании информации Агентства культурного наследия республики Узбекистан отражены принимаемые меры по оценке технического состояния памятников, находящихся на территории республики.

ANNOTATION. This article is devoted to the preservation, repair, analysis of the technical condition of the architectural monument. Based on the information of the Agency of Cultural Heritage of the Republic, the measures taken to evaluate the technical condition of the monuments located in the territory of our Republic and to restore them have been reflected.

Калит сўз ва иборалар: меъморий обида, обиданинг техник ҳолатини текшириш, реконструкция қилиш, сақлаш.

Ключевые слова и словосочетания: мемориальный памятник, осмотр технического состояния памятника, реконструкция, консервация.

Key words and word combinations: memorial monument, inspection of the technical condition of the monument, reconstruction, preservation.

Тарихга назар соладиган бўлсак, ўрта аср қўлёзмаларида шаҳарсозлик тизимлари ва иморатсозлик ҳақида сўз юритилганда таъмирлаш ибораси кўп ишлатилганлигини кўрамыз. Бинобарин ўтмишда мазкур ибора қўлланилганида мавжуд иморатларни янгилаш ва қайта бунёд этиш фаолияти бир-биридан кескин ажратилмаганлигини гувоҳи

бўламиз. Бундай фарқлаш XIX аср охири XX аср бошларида юзага келганлигини кўрамиз. Бунинг икки сабаби бор; биринчиси Марказий Осиёни Россия империяси забт этганидан кейин европача расм-русумларнинг кириб келиши муносабати билан бутун дунё таъмирлаш усуллари Марказий Осиёга аста-секин кириб келиши бўлса, иккинчиси Октябрь тўнтаришидан кейин маҳаллий меъморчилик тамоман бошқача йўналишда ривожлана бошлади. Илгари (IX-XIX а.а.) бадий ижодиёт маълум бир узвийлик асосида ривожланиб келган бўлса, энди кескин фарқ юзага келди. Масалан, XX аср бошларида қурилган мадраса, масжид, минора, карвонсарой меъморлари: Улуғбек қурдирган мадрасалар (XV а), IX-XIX асрларда бунёд этилган масжидлар, Минораи Калон (1127 й) ёки Работи Маликни (XII а) таъмир этиши учун жуда ҳам кўп билимларни қайтадан ўрганиши талаб қилинган. Чунки ушбу асрларда иморатсозлигида бадий узвийлик мавжуд бўлган. 1920 йиллардан бошлаб эса меъморчилик бадий ифодасида кескин фарқ юзага келди [1].

Янги давр меъморлари анъанавий меъморчилик бадий воситаларидан анча узоқлашиб қолган эди. Маҳаллий анъаналарга етарли эътибор берилмасдан ғарб меъморий санъатига тақлид бошланди. Ваҳоланки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва бу ерда истиқомат қилган халқлар ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Туркистон ундан олдинроқ Турон, Трансоксиана деб аталган ўлканинг ҳам географик, ҳам сиёсий марказини ташкил этганлиги жиҳатидан бу ердаги меъморий ёдгорликлар, уларнинг бадий жиҳатлари ҳамда таъмир услубияти замирида умумийлик мавжуд бўлган. Бинобарин бу ҳудудда IX асргача иморатлар асосан паҳса ва хом ғиштдан қурилган. Шу туфайли уларнинг барчаси бугунги кунда вайрона холига келиб археологик ёдгорликлар сифатидагина бизгача етиб келган. Милoddан аввалги иккинчи минг йиллик билан белгиланадиган Сополлитепа, Жарқўтон сингари қўрқонлар Сурхондарё вилоятида жойлашган бўлиб, Туркменистон ҳудудидаги Намозгоҳтепа ва Марвруд воҳаси ёдгорликлари билан умумий боғланишга эга. Милoddан аввалги I минг йиллик иккинчи ярми билан даврланадиган ёдгорликлар Қадимги Хоразм - бугунги Қорақалпоқистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган. Булар Жонбоз қалъа, Тупроқ қалъа, Аёз қалъа ва бошқалардир. Унча- мунча бутун сақланган паҳса ва хом қиштдан тикланган энг қадимий меъморий обида сифатида Термиз шаҳридаги Қирқ қиз қалъа (IX – X а. А.) харобларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё меъморчилигида пишиқ ғишт гарчи жуда қадим замонлардан маълум бўлган бўлсада, милодий IX асргача у кенг қўлланилмаган. Унинг асосий равнақи Бухородаги Сомонийлар макбараси меъморий ёдгорлиги ўз жозибаси билан намоён бўлган.

Меъморий обидаларнинг мустаҳкамлиги ва уларнинг устуворлиги қандай таъминланганлиги бугунги кунгача бизга номаълум сир бўлиб қолмоқда. Қадимий меъмор усталар ўз даврида статик ва динамик кучлар таъсирига бино ва иншоотларни (масжид, мадраса, минора ва ҳ.к.) қандай ҳисоблаш ва лойиҳалашни билганликлари сабабли шундай гўзал бино ва иншоотларни яратганлар ва улар асирлар мобайрида ўз салобатини сақлаб келмоқда. Тарихга оид меъморий ёдгорликлар ўз даврининг билим, тажриба ва ҳунармандчилик ривожини ўзида акс эттирувчи қимматбаҳо манба маданий меърос сифатида эътироф этилади. Халқимиз тарихига оид меъморий ёдгорликларни бу ўз даврининг билим, тажриба ва ҳунармандчилик ривожини ўзида акс эттирувчи қимматбаҳо манба маданий меърос сифатида эътироф этилади. Шу сабабли улар ўз тарихий қимматини ҳозирги кунга қадар йўқотмаган.

Республикамызда меъморий обидалар реконструкция қилш, сақлаш масалалрига катта аҳамият берилмоқда. Кейинги даврларда, айниқса, мустақиллик йилларида уларнинг қиёфалари кескин ўзгарди, кўпгина обидалар илмий жиҳатдан ўрганилиб қайта тикланди ва ўзининг қадимги асл кўринишига қайтарилди. Бу ишларни амалга оширишга жуда катта маблағ, моддий ресурс ва меҳнат сарф этилмоқда. Айни пайтгача маданий мерос объектлари бутлигини сақлаш, улар ҳолатини яхшилаш, реставрация қилиш ҳамда

сайёҳлар учун жозибатор объектга айлантириш бўйича маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан 16 та лойиҳа тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг 2022 йил учун берган расмий маълумотида кўра лойиҳалар асосида йўналтириладиган инвестиция қиймати 65,6 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Шунинг 43,7 миллиард сўми ташаббускорлар ҳисобидан, қолганини эса кредитлар ташкил этади [2,3]. Лойиҳалар рўёбга чиқиши эвазига салкам 300 та янги иш ўрни яратилади. Яна бир муҳим жиҳати, биз юқорида таъкидлаган сабабларга кўра нураб, емирилиб бораётган тарихий обидаларнинг эндиликда умрига умр қўшилади. Айтмоқчи, Бухоро шаҳридаги «Ғозиён», «Туркман», «Ҳотам Ҳинду», «Домулло Турсунжон», «Хўжа Қурбон», «Раҳмонқул» мадрасалари, «Карвон боши», «Баройи Кўхна», «Рашид» карвонсаройлари, «Мағоки Кўрпа», «Мирзо Усмон», «Дўстим Чорғоси», «Бозори Гул», «Мир Иброҳим» масжидлари, «Мавлоно Шариф» мажмуаси ва IX-X асрларда биноларини реставратсия қилиш ва улар негизида гиламчилик, кулолчилик, зардўзлик, заргарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик каби ҳунармандчилик марказлари, миллий услубдаги меҳмонхоналар ва чойхона ташкил этиш бўйича дастлабки лойиҳалар тайёрланиб, Маданий мерос департаменти ҳузуридаги илмий-эксперт Кенгашига тақдим этилди. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига Бухоро вилоятидан жами 829 та тарихий ёдгорлик киритилган. Буларни қанчалик самара бераётганлиги, мавжуд ҳамда қайта тикланган юк кўтарувчи конструкцияларнинг ҳолатини, ишончилилик даражасини ва мустаҳкамлиги замон талабларига қай даражада жавоб беришини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Меъморий-тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари олиб бориши элимизнинг зиёрат тузирзм жозибардорлигини оширади.

Обидаларни юк таъсирига ҳисоблашда чекли элементлар усули ҳамда модул-микёс тизими асосида бўлиб, материалларнинг физик-механик хоссаларини асосий кўрсаткич сифатидан қабул қилинган. Бино тарҳини ишлашда қиёсий ўлчов ва модуль тизимидан фойдаланиш, симметрия қонунига асосланиш, бино шакллари томонларини квадрат, айлана ва “олтин кесим”, “олтин нисбат” усулларида фойдаланган ҳолда, элементларнинг мутаносиблаштирувчи пропорцияларни қўллаш қоидаларига амал қилган. Ҳозирги кунга келиб юртимизда минглаб тарихий-меъморий обидалар, ва иншоотларни, монументал санъат ёдгорликлар тарихий аҳамиятга молик шаҳарларимиз, дунё тарихи цивилизациясида алоҳида ўринга ва этиборга эга. Уларни тадқиқ қилиш, ўрганиш, реконструкция қилиш ва сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Пўлатов Х., Ўролов А. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш. Ўқув кўлланма. ТАҚИ: 2002.
2. https://ru.wikipedia.org/wiki/Реставрация_памятников_архитектуры.
3. Ходжаева З. Ш., Бобокулов М. Б., Жумаев Ш. Самоний мақбараси тарихий обидасининг конструктив ечимлари ва таҳлили //Involta Scientific Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 104-108.